**Фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик учун жиноий жавобгарлик кучайтирилди**

***ЎРҚ–719-сон, 04.10.2021 й.***

Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартишлар киритишни назарда тутувчи Қонун Президент томонидан имзоланди.

Киритилган ўзгартишларга кўра, ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик учун **жиноий жавобгарлик кучайтирилди.**

Бундай ҳаракатлар:

БҲМнинг 50 бараваридан 100 бараваригача жарима *(илгари фақат 50 бараваригача)*;

1 йилдан 3 йилгача озодликни чеклаш *(илгари 1 йилгача)*;

1 йилдан 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади *(илгари 1 йилгача)*.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ҳокимият вакилининг, ички ишлар ва Миллий гвардия ходимларининг қонуний талабларини бажармаганлик учун ҳам жавобгарлик чоралари кучайтирилиб, жарима миқдорлари оширилди.